2017 йил 8 ноябрь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 221 (13.554)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги вақтларда аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминлашни яхшилашга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, фармацевтика тармоғидаги ишларнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш тиббиёт муассасалари ва аҳолининг дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминланиши устидан тизимли мониторинг ва назорат, давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббиёт техникаси ҳолатининг лозим даражадаги ҳисоби ва таҳлили мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантиришнинг ягона стратегияси ишлаб чиқилмаган ҳамда маҳаллий фармацевтика корхоналарининг фаолиятини, шу жумладан тегишли маҳсулотларни аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш бўйича фаолиятини лозим даражада мувофиқлаштириш таъминланмаяпти.

Деярли тайёр маҳсулот бўлган импорт хом ашёсидан фойдаланган ҳолда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқаришнинг кенг тарқалган амалиёти ҳамда технологик жараёнларнинг паст даражада эканлиги юқори сифатли ва рақобатбардош фармацевтика маҳсулотларини маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил этишга тўсқинлик қилмоқда.

Фармацевтика фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг ишлаб чиқарилиши, олиб кирилиши ва сотилишини мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат марказини;

Ўзбек кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институтини;

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтини;

"Шарқ табобати" илмий-тадқиқот институтини Агентликка бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантириш стратегиясини, шу жумладан давлат-хусусий шерикликни жорий этиш орқали ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш, фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ҳамда тиббиёт техникалари билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш;

фармацевтика бозори конъюнктурасини ўрганишни ташкил қилиш, ички ва ташқи бозорларда юқори сифатли, рақобатбардош дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ҳамда уларни жаҳон бозорига олиб чиқишга кўмаклашиш;

аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари, шу жумладан уларнинг маҳаллий ишлаб чиқарилган турлари билан таъминланганлик ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, шу асосда ички бозорни янада тўлдириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фармацевтика тармоғи корхоналарининг асбоб-ускуналарини модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашга кўмаклашиш, чет эл инвестицияларини, шу жумладан хорижий ва халқаро молия институтларининг маблағларини кенг жалб қилиш;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини ишлаб чиқариш жараёнига инновацион технологияларни янада жорий этиш учун илмий-тадқиқот ишлари ўтказилишини ташкил этиш;

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда, шунингдек, уларга қатъий нархларни ўрнатиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва киритишда бевосита иштирок этиш;

*(Давоми 2-бетда)*

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**

**"Ўзэкспомарказ"да "Made in Uzbekistan" деб номланган мамлакатимиз иқтисодий соҳа ютуқлари кўргазма-ярмаркаси иш бошлади.**





## "MADE IN UZBEKISTAN": ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЧУН ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

Кўргазма очилиш маросимида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, маҳаллий ва чет эллик ишбилармонлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н.Отажонов ва бошқалар мамлакатимизда тармоқлараро кооперация алоқаларини ривожлантириш, маҳаллий корхоналарда импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, корхоналарнинг жадал фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилаётганини таъкидлади.

Кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар енгил саноат, фармацевтика, нефть-газ, озиқ-овқат, чарм-пойабзал, қурилиш, халқ истеъмоли моллари, автомобилсозлик, кимё саноати, йўл-транспорт инфратузилмаси, электротехника, телекоммуникация ва ахборот технологиялари, агросаноат ютуқлари, янги маҳсулотлар, таълим ва бошқа турдаги хизматларни намойиш этмоқда. Кўргазма иштирокчилари ва ташриф буюрувчилар учун ишлаб чиқариш тармоқларига жорий этилаётган сўнгги инновацион лойиҳалар ҳақида маълумот олиш имкони яратилган.

Таъкидлаш жоизки, бугун нафақат ички бозорда, балки Марказий Осиё минтақаси ва МДҲ бозорларида юқори талабга эга ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган эътибор туфайли мамлакатимизда жорий йил бошидан маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 750 лойиҳа асосида 5 триллион 781 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Маҳсулотлар экспорти ҳажми муттасил ортиб бормоқда.

Кўргазма-ярмарка маҳаллий ва хорижий ишбилармон доиралар, йирик компаниялар, хусусий корхоналар вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Хусусан, Хитойнинг Шэньси провинциясида жойлашган халқаро порт зонаси маъмурияти ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик алоқаларни мустаҳкамлаш ниятида. "Бир макон, бир йўл" лойиҳаси доирасида савдо-ҳамкорлик, гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, Қозоғистоннинг "Сауда Самал" компанияси, Тожикистоннинг "Саховат" савдо мажмуида жойлашган Ўзбекистон – Тожикистон савдо уйи масъуллари тадбиркорларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар учун беғараз майдончалар ажратиш, ушбу мамлакатларда маҳсулотлар намойишини ташкил этиш таклифларини билдирмоқда. Шунингдек, Жанубий Корея, Россия, Афғонистон, Қирғизистон, Таиланд, Кувайт, Туркия, Франция ва бошқа давлатлар компаниялари вакилларининг ҳам фаол қизиқиши кузатилмоқда.

*(Давоми 3-бетда)*

## САМАРҚАНДДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯГА ДОИР

***Самарқанд шаҳрида 2017 йил 10-11 ноябрь кунлари БМТ шафелигида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтади.***

Форум Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессияси минбаридан билдирилган ҳамда Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ташаббусларни амалга ошириш бўйича муҳим амалий қадамлардан бири бўлади. Маълумки, Марказий Осиёни осойишталик, барқарор тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айлантириш давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ҳамда БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Ташкилий қўмита маълумотига кўра, йирик халқаро тадбир ишида 500 дан ортиқ иштирокчи, жумладан, Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари, МДҲ, Европа, Осиё ва Америка давлатларининг нуфузли расмий делегациялари, БМТ, ЕИ, ЕХҲТ, ШҲТ, МДҲ, ЕТТБ каби 10 дан ортиқ халқаро ташкилотлар раҳбарияти, 100 га яқин таниқли халқаро экспертлар ва етакчи хорижий ОАВ вакиллари, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус аъзолари қатнашади.

Форум дастурига мувофиқ, БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енча, БМТ Бош котиби ёрдамчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДҲ давлатлари бўйича минтақавий бюроси директори Жиҳан Султаноглу, ЕИ ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт бўйича Европа комиссари Невен Мимица, ЕХҲТ Бош котиби Томас Гремингер, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев, ШҲТ Бош котиби Рашид Алимов ва бошқа халқаро тузилмалар раҳбарлари иштирокчиларга мурожаат қилади.

*(Давоми 2-бетда)*

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2017 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

***2017 йил 7 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг жорий йил 9 ойидаги ижросини кўриб чиқдилар.***

Даставвал сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси соҳага оид қўмитасининг мажлисларида ушбу масаланинг дастлабки муҳокамалари ўтказилган эди.

Мажлисда таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусига кўра ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш натижасида, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурини бажара бориб, иқтисодиётнинг барқарор, юқори суръатлар билан ривожланиши ҳамда ўсиши таъминланди. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатлари сақлаб қолинди, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг янада мутаносиб ривожланиши учун мустаҳкам замин яратилди.

Илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жадал жалб қилишга, экспорт салоҳиятини оширишга, замонавий, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш чоғида тенг шароитлар яратилишига имкон берди.

Бюджетлараро муносабатларнинг ва солиққа оид маъмуриятчиликнинг замонавий механизмлари жорий этилаётганлиги қайд этилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги "Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг аҳамияти таъкидлаб ўтилди. Аҳолининг реал даромадларини, ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, республика бюджетидан молиялаштиришга бўлган боғлиқликни камайтириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эркинлигини кучайтириш мақсадида ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг барқарор молиялаштирилишини таъминлаш мамлакатимиз бюджет сиёсатининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Натижада ҳисобот даврида маҳаллий бюджет даромадларининг 503,8 миллиард сўм миқдоридаги ёки 2016 йилнинг 9 ойидагига нисбатан 3,9 баравар кўп қўшимча манбалари шакллантирилди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ЕТТБ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ

***Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) биринчи вице-президенти Филипп Беннетт бошчилигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев билан учрашувда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти ўртасида шу йил март ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган учрашув, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати билан имзоланган Англашув меморандуми доирасида эришилган келишувлар қисқа муддатга мўлжалланган фаолиятининг устувор йўналишларини белгилашда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун кредит маблағларини ажратиш ушбу соҳадаги ҳамкорликда асосий ўрин тутади.

Томонлар Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишдаги ҳамкорлик истиқболлари, хусусий секторни қўллаб-қувватлашни давом эттириш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, жумладан, фонд биржасини модернизация қилиш, қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш каби қатор масалалар юзасидан фикр алмашди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки биринчи вице-президенти Филипп Беннетт самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда ўзаро манфаатли ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш тарафдори эканини таъкидлади.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки делегацияси қатор вазирлик ва идораларда ҳам учрашувлар ўтказди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

**XXI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

**• Қаршида "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришда Омбудсманнинг роли" мавзусида семинар бўлиб ўтди.**

**• Самарқандда "Темурбеклар мактаби"нинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази мутасаддилари, Самарқанд ҳарбий гарнизони офицерлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вакиллари, касб-ҳунар коллежларининг чақириққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчилари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.**

**• Фарғонада кичик саноат зоналари ва фаолият юритмаётган ишлаб чиқариш объектлари негизида лойиҳаларни амалга ошириш механизмлари ва мавжуд имкониятлар тўғрисида тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

**• Халқимизнинг содиқ фарзанди, атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан Элликқалъа туманида ўтказилган тадбирда ҳам унинг сермазмун ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритилди.**

**ЖАҲОНДА**

**• Астрономлар коинотда юлдузига нисбатан энг катта сайёрани аниқлади. Сайёра ўз юлдузига ўта яқин, уларнинг ўртасидаги масофа Ердан Қуёшгача бўлган йўлнинг 3 фоизига тенг.**

**• Микросхемалар ишлаб чиқарувчиси Qualcomm 130 миллиард долларга сотиб олиниши мумкин. Reuters'га кўра, агар Qualcomm таклифни қабул қилса, бу технологик компаниялар тарихидаги энг йирик харид бўлади.**

**• Ҳиндистонда Юра даврига оид ихтиозавр скелети топилди. Ҳинд ихтиозаврининг қуйи Юра даврига оидлиги қизиқ ҳолат. Ушбу ҳудудда бунга қадар аниқланган суякларнинг барчаси 50 миллион ёшдан "кичик" бўлган.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга етакчи чет эл фармацевтика компаниялари билан ҳамкорликни ташкил этишга кўмаклашиш;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулот деб топиш учун мезонларни ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида фойдаланилаётган тиббиёт техникаларининг ҳисоби ва реестри юритилишини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳолатини таҳлил қилиш;

давлат соғлиқни сақлаш муассасалари учун дори воситалари, тиббиёт буюмлари, тиббиёт техникалари ва махсус тиббиёт автотранспортининг марказлаштирилган харидини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихоналари (кейинги ўринларда ижтимоий дорихоналар деб юритилади) тармоғини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишини таъминлаш;

фармацевтика тармоғига халқаро стандартларнинг жорий этилишини мувофиқлаштириш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик мустақил юридик шахс ҳисобланади, ўз балансига, банк муассасаларида ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга эга бўлади;

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан бошқарилади;

Агентлик директорининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарлари бўлади;

Агентлик директори мақоми, маиший, тиббий ва транспорт хизматлари кўрсатиш бўйича Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади;

Агентлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Агентликка қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мамлакат фармацевтика тармоғини ривожлантиришни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари бўйича ишини мувофиқлаштириш;

Агентлик ваколатига таалуқли бўлган масалалар бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан ҳужжатлар, статистик маълумотлар, ҳисоботлар, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа ахборотларни сўраш ва олиш;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини, шу жумладан чет элдан импорт қилинаётганларини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва сертификатлаш;

Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий-таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар, чет эл компанияларининг юқори малакали ходимларини ва мутахассисларни жалб қилиш;

фармацевтика тармоғини ривожлантириш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан тўғридан-тўғри маълумот алмашиш;

фармацевтика тармоғининг эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш ва фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, уларни бошқариш масалаларини келишиш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш, ахборот материаллари, даврий нашрлар ва бошқа босма маҳсулотларни чиқариш ҳамда тарқатиш;

фармацевтика корхоналарини GMP қоидаларига мувофиқлиги юзасидан сертификациядан ўтказиш;

фармацевтика тармоғи мутахассисларининг малакасини ошириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда:

Агентликнинг ташкилий тузилмасини, Агентлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкилий-штат тузилмасини;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Агентлик фаолиятини молиялаштиришга маблағларни 2017 йилда асослантирилган ҳисоб-китоблар бўйича ажратсин ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларида назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ҳафта муддатда Агентликни унга юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган бино билан таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликни белгиланган тартибда зарур алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

10. Қуйидагилар:

а) "Ўзфармсаноат" ДАК аъзоларининг концерн мулки ва бошқа товар-моддий бойликларини Агентликка ўтказиш билан уни тугатиш тўғрисидаги;

б) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "O'zmedeksport" республика ташқи иқтисодий давлат корхонасини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг "O'zmedimpeks" давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда "O'zmedimpeks" ДУК деб юритилади) этиб қайта номлаш;

"Ўзмедлизинг" АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини "O'zmedimpeks" ДУКга давлат улуши бўйича акциядор функциясини берган ҳолда оператив бошқарувга бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Белгилаб қўйилсинки, "O'zmedimpeks" ДУК:

молиялаштириш манбасидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари, давлат соғлиқни сақлаш муассасалари учун тиббиёт техникалари ҳамда махсус тиббиёт автотранспортининг ягона етказиб берувчиси, шунингдек, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича агент;

халқаро молия институтларининг кредитлари, грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида дори воситалари, тиббиёт буюмлари, тиббиёт техникалари ва махсус тиббиёт автотранспортининг хариди бўйича тендер комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "O'zmedimpeks" ДУК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2018 йил 1 январга қадар муддатда ижтимоий дорихоналарни давлат соғлиқни сақлаш муассасалари (туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари), давлат мулкида бўлган бўш турган бино ва иншоотлар негизида 2018 йил 1 декабрга қадар муддатда зарур ҳолларда капитал-таъмирлаш ишларини ўтказиб, кейинчалик уларнинг ҳамма жойда фаолият кўрсатишини таъминлаган ҳолда жойлашувини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2017-2018 йилларда ижтимоий дорихоналарни тасдиқланган нормативларга мувофиқ равишда жиҳозлаш учун Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасидан зарур маблағларни йўналтирсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда "O'zmedimpeks" ДУК буюртмалари бўйича давлат мулки бўлган иншоотлардан ва бошқа мулклардан беғараз фойдаланишга, шу жумладан ижтимоий дорихоналар ташкил этиш учун тақдим қилишни таъминлаб борсин;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари ҳисобидан ижтимоий дорихоналрни капитал таъмирлаш, шунингдек, муҳандислик инфратузилмаларини жойлаштириш, ҳудудларини ободонлаштириш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга маблағлар ажратсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2018 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурида ижтимоий дорихоналарнинг қурилиши ва реконструкция қилиниши учун тасдиқланган ва экспертизадан ўтказилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ марказлаштирилган капитал маблағлар лимитларини ажратишни назарда тутсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ–2647-сон қарори билан ташкил этилган Даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари билан таъминлашни назорат қилиш республика комиссияси унинг функцияларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юклаган ҳолда тугатилсин.

Белгилансинки, Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари учун қатъий нархлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "O'zmedimpeks" ДУКнинг Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан келишилган таклифларига кўра белгиланади.

16. "O'zmedimpeks" ДУК 2023 йил 1 январга қадар барча турдаги солиқ ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар тўлашдан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмалари бўйича дори воситалари, тиббиёт буюмлари, тиббиёт техникалари ва махсус тиббиёт автотранспорти етказиб бериш шартномалари юзасидан божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини рўйхатга олиш, нархини белгилаш тартибини такомиллаштиришни, қонунчиликка "in bulk" маҳсулотнинг аниқ белгиланган тушунчасини киритишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг қатъий нархини, шунингдек, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг тартибга солинадиган нархларини белгилаш тартибини тасдиқласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини уларнинг халқаро ва миллий стандартларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар деб топиш мезонларини тасдиқлаш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар деб топиш мезонларини тасдиқланган кундан бошлаб дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар деб топиш нуқтаи назаридан уларнинг ишлаб чиқарилишини технологик аудитдан ўтказсин;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини олиб кириш бўйича ягона логистика марказини ташкил этиш юзасидан таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида яратилган лойиҳаларни бажариш гуруҳлари фаолиятининг самарадорлигини ўргансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фаолияти ва тузилмаси танқидий қайтадан кўриб чиқилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Мазкур ишлар жараёнида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетни шакллантириш, тақсимлаш ва бюджет маблағларини сарфлашдаги мустақиллигини оширишни инобатга олган ҳолда соғлиқни сақлаш идоралари ва муассасаларининг молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

19. "O'zmedimpeks" ДУКга олиб кирилаётган дори воситалари, тиббиёт буюмлари, тиббиёт техникалари ва махсус тиббиёт автотранспортларини "O'zmedimpeks" ДУК раҳбарияти томонидан уларни сақлаб туришнинг зарур шарт-шароитларини таъминлаш бўйича мажбуриятларни қабул қилган ҳолда "вақтинча сақлаш" ва "божхона омбори" божхона режими остида шахсий ҳамда ижарага олинган омборларга жойлаштиришга истисно тариқасида рухсат берилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бир ой муддатда "O'zmedimpeks" ДУКга Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Э.Мараимов кўчаси, 50-уйда жойлашган божхона омборининг бино ва иншоотини беғараз фойдаланишга ўтказсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда "O'zmedimpeks" ДУКни унга юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган бино ва хоналар билан таъминлаш бўйича таклифлар киритсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 7 ноябрь*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Кейинги вақтларда аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминлаш тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, ўтказилган ўрганишлар мазкур соҳада маҳаллий фармацевтика тармоғининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган айрим тизимли камчиликлар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, бугунги кунга қадар фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантиришнинг ягона стратегияси ишлаб чиқилмаган ҳамда маҳаллий фармацевтика корхоналарининг фаолиятини, шу жумладан тегишли маҳсулотларни аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш бўйича лозим даражада мувофиқлаштириш таъминланмаган.

Оқибатда бугунги кунда тармоқдаги маҳаллий корхоналар юқори сифатли ва рақобатбардош фармацевтика маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш имконига эга эмас.

Масалан, "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концерни таркибига кирувчи корхоналар умумий сонининг **19 фоизи** фаолият юритмаяпти, **30 фоизи**нинг ишлаб чиқариш фаолияти тайёр маҳсулотни қадоқлаш, ўраш ва ёрлиқ ёпиштириш билан чегараланган.

Ҳозирги вақтда дори ишлаб чиқариш учун импорт қилинаётган хом ашё умумий сонининг **23,4 фоизи** тайёр маҳсулот ҳисобланади.

Маҳаллий фармацевтика корхоналарининг илмий-тадқиқот ишларини ўтказишга бўлган манфаатдорлиги мавжуд эмаслиги оқибатида "Ўзфармсаноат" концерни корхоналари томонидан рўйхатдан ўтказилган асл дори воситаларининг улуши бор йўғи **1,3 фоизни** ташкил этади.

Тармоқдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминлаш тизимини янги босқичга кўтариш мақсадида қабул қилинган **Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони** билан мазкур маҳсулотлар нархини белгилаш механизмларини такомиллаштиришга, фармацевтика саноати корхоналари фаолиятини тартибга солишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилди.

Хусусан, **Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги** ташкил этилди. Шу билан бирга, "Ўзфармсаноат" концерни тугатилмоқда.

Агентликка фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантириш стратегиясини, шу жумладан давлат-хусусий шерикликни жорий этиш йўли билан ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фармацевтика корхоналари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ҳамда тиббиёт техникалари билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш бўйича вазифалар юклатилди.

Шу билан бирга, Агентлик дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини, шу жумладан чет элдан импорт қилинаётганларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва сертификатлашни, фармацевтика корхоналарини тегишли ишлаб чиқариш амалиёти халқаро қоидаларга мувофиқлигини сертификатлаштиришни амалга оширади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази, Ўзбек кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти, "Шарқ табобати" илмий-тадқиқот институти **Агентликнинг тасарруфига ўтказилди**.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "O'zmedeksport" давлат корхонаси **"O'zmedimpeks" давлат унитар корхонаси** этиб қайта номланиб, Агентликнинг тасарруфига ўтказилди. Бунда **"O'zmedimpeks" Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг ягона етказиб берувчиси этиб белгиланди,** шунингдек, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича агенти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ–2647-сон қарори билан ташкил этилган **Даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари билан таъминлашни назорат қилиш республика комиссияси унинг функцияларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юклаган ҳолда тугатилди**.

Эндиликда ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари учун қатъий нархлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

**Фармонда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини рўйхатга олиш, нархини белгилаш тартибини такомиллаштириш, қонунчиликка "in bulk" маҳсулотнинг аниқ белгиланган тушунчасини киритиш, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг қатъий нархини белгилаш тартибига алоҳида эътибор қаратилди**.

Шунингдек, дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини уларнинг халқаро ва миллий стандартларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар деб топиш мезонлари, шунингдек, давлат соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда давлат мулкида бўлган бўш турган бошқа бино ва иншоотлар негизида ижтимоий дорихоналарнинг жойлашуви тасдиқланади.

Умуман олганда, мазкур Фармон фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, шу жумладан маҳаллий дори воситаларининг халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқарилишини изчил йўлга қўйиш, асл фармацевтика ишланмаларини кўпайтириш, шунингдек, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг арзон ва сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжининг тўлиқ қаноатлантирилишини таъминлайди.

# САМАРҚАНДДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯГА ДОИР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шунингдек, конференцияда Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Қайрат Абдраҳмонов, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Эрлан Абдилдаев, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслов, Туркманистон ташқи ишлар вазири Рашид Мередов, Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлут Чавушўғлу, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф, Афғонистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Салоҳуддин Раббоний, АҚШ Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича катта директори Лиза Кёртис ва хорижий мамлакатларнинг бошқа расмий вакиллари сўзга чиқади.

Самарқанд конференцияси унинг иштирокчиларига минтақа хавфсизлиги ва тараққиётига доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш, уларни ҳал қилишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш имкониятини яратиши кутилмоқда. Икки кун давом этадиган форум Марказий Осиё давлатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт-коммуникация, сув-энергетика, экология ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик суръатини оширишнинг аниқ йўналишлари, шунингдек, тараққиёт бўйича ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда замонавий хатар ва таҳдидларга қарши курашишда мамлакатлар салоҳиятини юксалтиришга кўмаклашишда халқаро ташкилотлар ва ҳамкор давлатларнинг ўрнини муҳокама қилиш имконини беради.

**ЎзА**

# ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2017 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ҳисобот даврида Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақланиб қолди. Ижтимоий соҳани молиялаштириш учун харажатлар умумий ҳажмининг 54,8 фоизи миқдорида маблағ ажратилди.

Депутатлар шуни алоҳида қайд этиб ўтдиларки, ҳисобот даврида таълим тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, таълим жараёни даражаси ҳамда сифатини оширишга қаратилган таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштиришга, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилди. Хусусан, халқ таълими муассасаларини сақлаш ва ривожлантириш харажатларини молиялаштиришга Давлат бюджетидан 11,5 триллион сўмдан ортиқ ёки ижтимоий соҳага ажратилган умумий маблағларнинг 59,5 фоизи миқдорида маблағ ажратилди.

Маълумки, Қонунчилик палатаси соғлиқни сақлаш тизимини сифатли ислоҳ қилиш жараёнида бевосита иштирок этмоқда. Шу боис, депутатлар тиббиёт муассасаларини молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги турли Давлат дастурларини бажаришга доир чора-тадбирлар туфайли Давлат бюджетидан 5,2 триллион сўм ёки ижтимоий соҳага йўналтирилган умумий харажатларнинг 26,9 фоизи миқдорида маблағ ажратилганлиги таъкидланди. 2016 йилнинг ҳисобот даврида соғлиқни сақлашга йўналтирилган харажатлар 4,2 триллион сўмни ёки ижтимоий соҳадаги харажатларнинг 24 фоизини ташкил этган эди. Депутатлар томонидан мамлакат раҳбарининг соғлиқни сақлаш соҳасига юқори эътибори туфайли аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни сифат жиҳатидан яхшилаш мақсадида барча режалаштирилган тадбирлар ўз вақтида молиялаштирилаётгани айтиб ўтилди.

Соҳадаги мавжуд муаммолар комплекс тарзда ечиб борилмоқда. Жумладан, беморларни зарур дори воситалари билан таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Аҳолини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш учун Давлат бюджетидан 275 миллиард сўм ажратилди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,9 баравар кўпдир. Хусусан, ҳисобот даврида дори-дармонлар учун сарфланган харажатлар ўтган молиявий йилнинг худди шу давридагига нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида 1,5 баравар, Сурхондарё вилоятида эса 2,2 баравар ошди. Депутатлар таъкидлаганларидек, асосийси одамлар содир бўлаётган ўзгаришларни ҳис қилишлари лозим.

Кексалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш мақсадида санаторийлар ва интернат уйлари, кичик ёшдаги ногирон болалар интернат уйлари, уй шароитида ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўлинмалари учун, шунингдек, ногиронларни реабилитация қилиш марказлари учун Давлат бюджетидан 125,7 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Ҳисобот даврида маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми прогноз кўрсаткичларига нисбатан 103 фоиздан зиёдга бажарилган. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маҳаллий бюджет маблағларини бошқариш бўйича мустақиллигини ошириш, бюджет ижросининг марказга боғлиқлигини кескин камайтириш жараёнларини чуқурлаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурларини кафолатланган молиялаштириш манбалари билан таъминлаш, маҳаллий ҳокимликларнинг маҳаллий бюджетларни шакллантиришда ва маблағлардан самарали фойдаланишда масъулияти ва жавобгарлигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга депутатлар томонидан маҳаллий бюджетларни тўлдириш манбаларини кенгайтириш юзасидан мавжуд имконият ва ресурсларнинг тўлиқ ишга солинмаётгани, хусусан, республиканинг 17 та туман ва шаҳарларида маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисми прогноз кўрсаткичлари бажарилмагани танқид остига олинди.

Тез тиббий ёрдам бригадаларининг бир марта чақирилишига ажратилган маблағларнинг оқилона сарфланмаётгани ҳолатлари ҳам қайд этилиб, депутатларнинг фикрича, бу кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва ҳажмига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, харид қилинаётган тиббий буюмлар ва асбоб-ускуналар сифатининг номувофиқлиги ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида ва оилавий поликлиникаларда уларнинг етишмаслиги ҳоллари мавжуд.

Умуман олганда, мажлис якунларига кўра, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати**

**24 декабрь — Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни**

# ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

***Маълумки, “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида 2017 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Ушбу муҳим тадбирни юқори савияда ўтказишга катта тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.***




Жумладан, халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси штабида ҳам ушбу сиёсий жараёнга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бугунги кунда ушбу штаб сайлов ўтказиш учун зарур бўлган мебель, техник воситалар, телефон, факс, интернет тармоғи ва бошқа зарурий ашёлар билан тўлиқ жиҳозланган.

Халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси томонидан мунтазам равишда белгиланган йиғилишлар, кун тартибида кўрсатилган масалалар кўрилиб, 11 нафардан иборат комиссия аъзоларининг иш тақсимоти белгиланган. Округларга аъзолар бириктирилиб йиғилиш қарори билан тасдиқланган.

Халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов округларига ном ва тартиб рақами берилган. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ туманда 30 та округ ҳамда 106 та сайлов участкалари тузилган. Ҳозирда ҳар бир округ ва участка сайлов марказлари ўз фаолиятини бошлаб юборган.

Халқ депутатлари Олмазор туман Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ошкоралик тамойилларига риоя қилган ҳолда демократик руҳда ўтказиш, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ўз вақтида ахборот олиш ва тарқатишни таъминлаш мақсадида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 11-моддаларига мувофиқ туман сайлов комиссияси ҳузурида матбуот маркази ташкил этилган ва фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ва Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Олмазор туман Кенгашларига халқ депутатлари Олмазор туман Кенгаши сайловида қатнашишлари учун ҳужжатлар қабул қилинган ва сайловда иштирок этишига ижозат берилиши тўғрисидаги йиғилиш қарори қабул қилинган.

Сайлов ўтказилишига тегишли барча кўргазмали ва расмий ҳуқуқий норматив ҳужжатлар ва йўналишлар тайёрланиб ўз жойларига ўрнатилган.

Куни кеча халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи университетнинг бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университетининг талабалари иштирокида “Муносиб номзодларга овоз берамиз!” мавзусида учрашув ўтказилди.

Учрашувда комиссия раиси ТДТУ ректори Садриддин Туробжонов, комиссия раиси ўринбосари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман Кенгаши раисининг ўринбосари Самуғ Ҳикматов, комиссия аъзоси, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Олмазор туман ташкилоти раҳбари Хурсаной Аҳмедовалар Ўзбекистон Республикасининг “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлари, “Ўзбекистонда сайлов тизими ва уни ташкил қилиш механизмлари” тўғрисида, шунингдек, Олмазор туманида ташкил этилган сайлов округлари ва участкалари, улардаги комиссия аъзоларининг фаолияти ва вазифалари тўғрисида маълумот бериб ўтдилар.

Университетнинг механика факультети биринчи босқич талабаси Гулзира Деҳқонова, Азамат Юлчиев ва бошқа талабалар ҳам тадбирда сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар ҳамда барча тенгдошларини сайлов жараёнида фаол қатнашишга чақирдилар. Учрашув қизғин савол-жавоблар билан баҳс-мунозарали тарзда ўтказилди.

Ишонамизки, халқимиз хоҳиш-иродасини янада тўлиқ ўрганиш, ҳаёти фаровонлигини таъминлаш йўлида қўйилаётган ушбу қадам хайрли, бўлажак сайловлар очиқлик ва ошкоралик руҳида, юқори савияда бўлиб ўтади.

**Мамадали ЭРОНОВ,**
**Халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси котиби**

# “MADE IN UZBEKISTAN”: ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЧУН ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

– Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳити мавжуд ва бу борадаги имкониятлар янада кенгаётганини кузатаяпмиз, – дейди “Longi Energy” компанияси савдо менежери Арк Чжоу (Хитой). – Компаниямиз қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш учун қурилмалар ишлаб чиқаради. Ўзбекистонда муқобил энергетика соҳасида яхши тажриба тўпланган. Мамлакатингизда йилнинг қарийб 300 куни қуёшли бўлади. Демак, муқобил энергиядан унумли фойдаланиш имконияти юқори. Бугун ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, технологиялар билан танишдик. Келгусида улар билан ҳамкорликда фотоэлектрик панеллар ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз.

Кўргазма-ярмаркада Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бўлимлари вакиллари, мамлакатимиз банк-молия ташкилотлари ҳам қатнашиб, тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларга имтиёзли кредитлар ажратиш, фаолият кўламини кенгайтириш, маҳсулотлар экспортини кўпайтириш билан боғлиқ ўз хизматларини тақдим этмоқда.

– Италиялик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда лифт ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Бугунги кунда 7 хилдан зиёд турдаги маҳсулотларимизни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикаларига экспорт қилаяпмиз. Яқинда Россияга ҳам маҳсулотларимизни етказиб бериш бўйича шартнома туздик, – дейди Самарқанд вилоятидаги “Lift group” корхонаси директори Алишер Каримов. – Бугунги тадбирда маҳаллий ташкилотлардан ҳамкорлик бўйича таклифлар келиб тушмоқда, чет эллик ишбилармонлар ҳам маҳсулотимизга катта қизиқиш билдирмоқда.

Тадбирда 220 дан ортиқ маҳаллий корхона вакиллари 10 мингдан зиёд турдаги тайёр товарлар, бутловчи қисмлар ва бошқа маҳсулотларни иштирокчилар эътиборига ҳавола этмоқда. Кўргазма доирасида семинарлар, маҳсулотлар ва хизматлар намойиши ўтказилмоқда. Чет эллик ҳамкорлар билан манфаатли шартномалар имзоланмоқда.

**Улуғбек АСРОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

# БОЛАЛАРНИ ЗАРАРЛИ АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИДАН АСРАЙЛИК

***Мамлакатимиз аҳолисининг 35 фоизини 18 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Бу кўрсаткич ўта салмоқли бўлиб, ёшларни ҳар бир миллат тақдирида унинг келажагини белгиловчи омил сифатида қарайдиган бўлсак, уларни “оммавий маданият”, турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масаласи давлатимиз келажаги учун ҳал қилувчи аҳамият касб этишини тушуниш қийин эмас.***

Бугунги глобаллашув шароитида мамлакатимизда юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар болаларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, бунинг учун уларга барча ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилган асосий масалалардан бирига айланди. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида: “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”, деган ўта долзарб ғояни илгари сурди.

Айтиш лозимки, мамлакатимизда бугунги кунда болаларни баркамол ва билимли қилиб тарбиялаш, улар учун барча йўналишларда шарт-шароит яратиб беришга хизмат қиладиган қонунчилик базасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга хизмат қиладиган янги ҳуқуқий асос сифатида жорий йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунини эътироф этиш лозим.

Болаларни зарарли ахборот хуружларидан ҳимоя қилишни тартибга солишга бағишланган ушбу қонуннинг муҳим жиҳатлари хусусида тўхталиб ўтганда, унда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Чунончи, қонунда ушбу соҳага оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий шарт-шароитлар яратиш, болалар онгига ғайриқонуний ахборот-руҳий таъсир кўрсатилишининг, болаларни ғайрижтимоий ҳаракатларга ундовчи ахборот маҳсулоти тарқатилишининг олдини олиш, шунингдек, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш кабилар белгиланган.

Бу фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва муассасалар ўз ваколатлари доирасида болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади, қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга оширишга ҳамда ахборот маҳсулотида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотнинг мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини, ахборот маҳсулотининг болаларнинг муайян ёш тоифасига мувофиқлигини ёки мувофиқ эмаслигини аниқлаш мақсадида уни экспертизадан ўтказишни амалга оширади, ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ва тарқатувчиларга қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги ҳолатларини ушбу соҳада маърифий ва ахборот-тушунтириш тадбирларини ташкил этади.

Бундан ташқари қонунда болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотнинг таснифи белгилаб берилган. Унга кўра, болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулотлари жумласига болаларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига хавф соладиган хатти-ҳаракатларни содир этишга, шу жумладан ўз соғлиғига зарар етказишга, ўз жонига қасд қилишга ва шундай ҳаракатларни тарғиб қилишга ундайдиган, болаларда алкоголли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиш, қимор ўйинларида, оммавий тартибсизликларда иштирок этиш, фоҳишалик, дарбадарлик, тиланчилик билан шуғулланиш истагини пайдо қиладиган, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослайдиган ёки оқлайдиган ёхуд зўравонлик хатти-ҳаракатларини амалга оширишга ундайдиган, оилавий қадриятларни инкор этадиган, ахлоқсизликни тарғиб қиладиган, шунингдек, ота-онасига ва оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан ҳурматсиз муносабатни шакллантирадиган, жамиятда бузғунчилик ғояларини тарғиб этишга чақирадиган, уятли сўзлар, порнография хусусиятига эга бўлган ахборотни ўз ичига олган, шафқатсизлик, жисмоний ва (ёки) руҳий зўравонлик, жиноят ёки жамиятга қарши бошқа хатти-ҳаракатлар тасвири ёки баёни тарзида тақдим этиладиган, болаларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган, шу жумладан куч ишлатилмаган ўлим, касаллик, ўз жонига қасд қилиш, бахтсиз ҳодиса, авария ёки фалокат ва (ёки) уларнинг оқибатларини инсон қадр-қимматини камситадиган шаклда тасвирлаш ёки баён этиш тарзида тақдим этиладиган ахборот маҳсулотлари тааллуқлилиги белгиланган.

Умумий хулоса қилиб айтганда, ушбу қонун болаларни уларнинг соғлиғига салбий таъсир этадиган турли зарарли ахборот хуружларидан ҳимоя қилишга, уларни юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳамда миллий менталитетимиз ва маънавиятимизга ёт бўлган турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетини шакллантиришга хизмат қилади.

**Муҳаммади УСМОНОВ,**
**юридик фанлари доктори**

***Миробод туманидаги 110-умумтаълим мактабида тумандаги Шароф Рашидов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда “Нуроний” жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидовнинг 100 йиллигига бағишлаб маданий-маърифий тадбир ўтказилди.***

# ЭЛ АРДОҚЛАГАН ИНСОН

Тадбирда тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар, Шароф Рашидовнинг фарзанди Гулнора Рашидова, шогирдлари, бирга ишлаган сафдошлари, қадрдонлари, қариндошлари, ёру биродарлари, ҳамкасблари, маҳалла фаоллари, санъаткорлар ва ўқувчилар иштирок этди.

Кечада Георгий Крайнов, Бахтиёр Ҳамидов ва бошқа Шароф Рашидовни яқиндан билган, бирга ишлаган, Ўзбекистоннинг иқтисодий, маънавий ва маърифий тараққиётига катта ҳисса қўшган инсонлар қатнашдилар ва сўзга чиқиб, ўз хотиралари билан ўртоқлашдилар.

Кечада Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри артистлари, истеъдодли хонанда Мадина Мумтоз, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Камолахон Эрматова Шароф Рашидов шеърларига басталанган жозибали куй ва қўшиқлардан ижро этдилар.

**Муҳаммад ИСМОИЛ**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**“Respublika mulk markazi” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига “7531-сонли” ҳарбий қисмга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амиробод кўчаси, 1-уй манзилида сақланаётган 1.“Дамас” русумли, давлат рақами 01/023 SCA бўлган, 1999 йил ишлаб чиқарилган, ранги оқ. Бошланғич баҳоси – 14 837 000 сўм. 2. “Опель Омега” русумли, давлат рақами 01/101 SCA бўлган, 2000 йил ишлаб чиқарилган, ранги оқ. Бошланғич баҳоси – 27 539 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси такрорий қўйилмоқда.

**Аукцион савдоси 2017 йил 24 ноябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 22 ноябрь куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг АИТБ “Ипак йўли” банки Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000500571452114. МФО: 01036, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. 228-79-52.

***Гувоҳнома № 001805***

“Яшнобод” инновация технопарки дирекцияси” ДУКга қарашли Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мажнунтол 5-уй манзилида жойлашган маъмурий бинони (1-қавати) жорий таъмирлаш учун танлов эълон қилади.

| № | Қилинадиган ишлар рўйхати* | Ўлчов бирлиги | Миқдори* | Умумий қиймати (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Жорий таъмирлаш* | $м^2$ | 376 | 200 000 000 |

* Талабгорларга тўлиқ қилинадиган ишлар рўйхати ва миқдори дефект акт асосида берилади.

Аризалар эълон чоп қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мажнунтол 5-уй манзилида қабул қилинади. Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 296-04-22, (+99890) 320-95-55.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, 60-сонли ММТМ гўшт маҳсулотларини харид қилиш бўйича ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади. Мол гўшти 544 кг — 33000 сўмдан

Умумий қиймати 17 952 000 сўмни ташкил қилади.

Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Маълумотлар учун тел: 254-11-80. (90) 901-59-90

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ аукцион савдоларига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг 2017 йил 06 ноябрдаги 1/16-1124-сонли буюртманомасига асосан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро ва Нуронийлар кўчалари кесишувида жойлашган, умумий ер майдони 12128,0 кв.метр, қурилиш майдони 5919,0 кв.метр, фойдали майдони 19152,0 кв.метрдан иборат Газета ишлаб чиқариш мажмуаси биноси чиқарилганлигини маълум қиламиз. Бошланғич баҳоси – 68 459 246 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 11 декабрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Савдо бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2017 йил 26 декабрь ҳамда 2018 йил 10 январь кунлари бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич нархининг 15 фоизи (10 268 886 900 сўм)дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги банк реквизитларига тўлашлари лозим: АИТБ “Ипак йўли” банки Сағбон филиали, х/р: 20208000204920609019; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилинадиган ва қўшимча маълумот олиш учун “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Тошкент шаҳар филиали манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. Тел/факс (0-371) 233-54-96. www.1kms.uz.

***Лицензия RR-0001***

Шайхонтоҳур тумани 293-МТМ иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш учун тендер ўтказади.

55 000 000 (эллик беш миллион) сўм.

Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Тинчлик 3-тор кўчаси, 6-уй.

Мурожаат учун телефон: 246-86-76

Шайхонтоҳур тумани 314-сонли мактабнинг иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш учун тендер ўтказади.

50 000 000 (эллик миллион) сўм.

Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Белтепа 5-тор кўчаси, 52-уй.

Мурожаат учун телефон: 218-05-47.

Тошкент меҳмонхона касб-ҳунар коллежи томонидан 2001 йил Ташходжаев Рустам Хабибуллаевич номига берилган КНТ №159628-рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

